

«ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2021 йил 24 март

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2020 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Темур кўчаси 40 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2021 йил 24 март кунини ўтказилди. Йиғилишда 1824390 овозга эга 7 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,7 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,65 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.

Ганиев Д.И. – Марказнинг “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари.

А.Раззоков – «Олой дехқон бозори» АЖ директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Каримова М.Ш.

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Каримова М, Юсупова Ш, Мирзаев Х.

Йиғилишга ҳокимият вакили Д.Ганиев раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. «Олой дехқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамият директори билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан кузатув кенгашининг раиси М.М.Абдурахмановнинг йиллик ҳисоботи ва жамият директори А.Раззоковнинг 2020 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилаётган чора-

тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ҳисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2020 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди, жумладан 2020 йилнинг якуни бўйича ялпи даромад режаси 3259040.0 минг сўм бўлган, амалда 3276952.0 минг сўмга ёки 17912.0 минг сўмга кўп бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 2052587.0 минг сўмни ташкил этиб, амалда 2419534.0 минг сўмга харажат қилинган режага нисбатан 366947.0 минг сўмга кўп харажат қилинган. Соф фойда режаси 625089.0 минг сўм бўлиб, амалда 395909.0 минг сўмга режага нисбатан 280986.0 минг сўмга кам бажарилганлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори иловасининг 37-бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари йилнинг ҳар чораги якуни бўйича ўрганилганлиги ва ҳисоботлари тақдим этилганлигини маълум қилди, (ҳисобот тўлалигича илова қилинади).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «Konsauditinform» агентлиги аудиторлик компаниясининг 2020 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош ҳисобчиси Шоймардонов М. ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келиши ҳақидаги 2021 йил 1 мартдаги ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Г.Абдуллаева йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош ҳисобчиси Шоймардонов М. йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «Konsauditinform» агентлиги аудиторлик компаниясининг 2021 йил 1 мартдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиб Шоймардонов М. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ ҳисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси сўзга чиқиб, 2020 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори «Konsauditinform» агентлиги томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2020 йил якуни бўйича олинган 395909.0 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини тақлиф қилди:

- жамиятнинг аввалги йиллардаги зарарни қоплашга 395909.0 минг сўм

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори А.К.Холжигитов сўзга чиқиб, 2021 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2021 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини

янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салохиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва кўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йулларини ахтариш кўрсатилганини билдирди, (“Бизнес-режа”, “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи жамият акциядорларининг 2020 йил 25 март куни ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори Раззақов Ахат Анварович билан тузилган шартнома муддати узайтирилганлиги, жамият кузатув кенгаши томонидан жамият директори А.А.Раззақовнинг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи А.А.Раззақов билан тузилган шартнома муддатини узайтириш юзасидан хулосаси берилганлигини инobatга олиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида Раззақов Ахад Анварович билан тузилган шартнома муддатини узайтириш масаласини акциядорларнинг навбатдаги йиғилишида тасдиқлаш учун овоз бериш бюллетенларига киритиш таклифи берилганлигини билдирди ва йиғилиш қатнашчиларини ушбу таклиф билан таништирди.

Кун тартибидаги масала юзасидан савол-жавоблардан сўнг жамият директори Раззақов Ахад Анваровични жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш масаласи бўйича акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2021 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси М.Каримова сўзга чиқиб, “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

(“FTF-LEA-AUDIT” МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис М.Каримова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтди:

1. “IQTIDOR AUDIT INFORM” МЧЖ - 4300000 сўм,
2. “REAL AUDIT INFEST” МЧЖ - 4000000 сўм,
3. Агентсво “КОНСАУДИТИНФОРМ” МЧЖ - 3800000 сўм.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санoқ комиссияси томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок комиссияси мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала Ёқлаган 1824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	2-масала Ёқлаган 11824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	3-масала Ёқлаган 1824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
4-масала Ёқлаган 1824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	5-масала Ёқлаган 1824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	6-масала Ёқлаган 1824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
7-масала Ёқлаган 1824390–100%, Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%		
8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович 1824390 та овоз, 2. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаев 1824390 та овоз 3. Камолов Толмас Каримович 1824390 та овоз, 4. Туляганов Фарход Файзуллаевич 1824390 та овоз 5. Толипджонов Нодир Вахидович 1824390 та овоз, 6. Алимов Иномжон Саидкулович 1824390 та овоз 7. Каримов Малик Рахимович 1824390 та овоз, 8. Каримов Сардор Юлдашбаевич 1824390 та овоз, 9. Шерова Дилдора 1824390 та овоз		
9-масала 1. Бойсинов Жасур Хасанович 2. Ёкубов Новзод Махмуд ўгли 3. Норхўжаев Нозимхўжа Абдукодир ўгли	9-масала Ёқлаган 1824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	10-масала Ёқлаган 1824390–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
11-масала		
1. "IQTIDOR AUDIT INFORM" МЧЖ 4300.0 минг сўм. Қарши 0 – 0,0% 2. "REAL AUDIT INFEST" МЧЖ - 4000.0 минг сўм Бетараф 0 – 0,0% 3. Агентство "КОНСАУДИТИНФОРМ" МЧЖ - 3800.0 минг. Ёқлаган 1824390–100%		

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок комиссияси баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Олой деҳқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши–йўқ,бетараф –йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича кўрилган соф фойдаси аввалги йиллардаги зарарни қоплашга йўналтирилиши тасдиқлансин (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамият директори Раззоқов Аҳад Анварович билан тузилган меҳнат шартнома муддати акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтирилсин. (ёқлаган 1824390 та овоз–100%, қарши–йўқ,бетараф– йўқ).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

- 8.1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович 1824390 - та овоз
- 8.2. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич 1824390 - та овоз .
- 8.3. Алимов Иномжон Саидкулович 1824390 -та овоз
- 8.4. Каримов Малик Рахимович 1824390- та овоз
- 8.5. Толипджонов Нодир Вахидович 1824390 -та овоз

- 8.6. Камолов Толмас Каримович 1824390 - та овоз
8.7. Туляганов Фарход Файзуллаевич 1824390- та овоз
8.8. Каримов Сардор Юлдашбаевич 1824390- та овоз
8.9. Шерова Дилдора 1824390 - та овоз

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Бойсинов Жасур Хасанович, Ёкубов Новвзод Махмуд ўгли, Норхўжаев Нозимхўжа Абдуқодир ўглилар сайлансин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун ташқи аудитор Агентсво “КОНСАУДИТИНФОРМ” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 3800.0 минг сўм миқдоригача белгилансин. (ёқлаган 1824390 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Йиғилиш раиси



Д.Ганиев

Котиб



М.Каримова

Баённома имзоланган сана: 2 апрел 2021 йил.